

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА ГАВҲАР МУРОДЖОН ҚИЗИ

ЯПОНИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГЕОСИЁСИЙ
МАНФААТЛАРИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 327(520)+(54)
КБК: 66.4(5Япо)+(54)
К-25

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
политическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
political sciences**

Каримова Гавхар Муроджон қизи
Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари

Каримова Гавхар Муроджон қизи
Геополитические интересы Японии в Центральной Азии

Karimova Gavhar Murodjon qizi
Geopolitical interests of Japan in Central Asia

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВА ГАВҲАР МУРОДЖОН ҚИЗИ

ЯПОНИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ГЕОСИЁСИЙ
МАНФААТЛАРИ

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ss262 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қуранбоев Қаҳрамон Қўчқорович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимов Мирзохид Акрамович
тарих фанлар доктори, профессор

Қосимова Зилола Ғуломиддин қизи
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD/03/30.12.2021/Ss/Tar.21.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (+99871) 233-45-21; факс: (+99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (+99871) 233-45-21; факс: (+99871) 233-52-24; e-mail: info@tashgiv.uz.)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Д.Б.Сайфуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тарих фанлар доктори, доцент

О.И. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Э.С. Султонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, сиёсий
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда давлатлар ўз миллий манфаатларини илгари суриши, хавфсизликни таъминлаш ҳамда минтақавий ва халқаро жараёнларга таъсир кўрсатишида геосиёсат муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсатида миллий манфаатлар устувор аҳамият касб этиб, сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалиш ҳамда таъсир кучига эга бўлиш, геосиёсий вазифаларни ҳал этиш, миллий хавфсизликни таъминлашда халқаро ва миллий имкониятлардан фойдаланишга интилади. Замонавий босқичда Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий, геостратегик аҳамияти, катта миқдордаги хом-ашё захиралари туфайли халқаро майдонда етакчи давлатларнинг диққат марказида турибди. Минтақада хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасидаги халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиё мамлакатларининг геосиёсий манфаатларига мос, конструктив халқаро муносабатларга киришиш минтақа давлатлари ташқи сиёсатининг долзарб масалаларидан бирига айланди.

Бугун дунёда халқаро муносабатларда геосиёсий омил, давлатлар ташқи сиёсатида геосиёсий манфаатларни илгари суришнинг замонавий тенденцияларини таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқотларда кўпинча глобал дунё тартиботини, замонавий геосиёсий ва халқаро муносабатларни яхшилаш, глобал муаммоларни ҳал этиш, геосиёсий мувозанатни таъминлашнинг турли назарий ёндашувларига мурожаат қилмоқдалар. Уларда жадал ривожланаётган, ўзгарувчан ва глобаллашиб бораётган жаҳон сиёсий жараёнлари, етакчи давлатлар геосиёсий манфаатларининг қарама-қарши жиҳатлари, геосиёсий манфаатларнинг давлатлар ташқи сиёсатида тутган ўрнини ўрганиш, илмий асосларини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур масалаларни илмий тадқиқ этиш соҳанинг устувор йўналишларидан бўлиб, бу эса етакчи ва қудратли давлатларнинг халқаро майдондаги сиёсати, глобал ва минтақавий даражадаги геосиёсий манфаатлари негизини ҳар томонлама ва тизимли асосда ўрганиш борасида илмий-тадқиқотларни олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда.

Янги Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати янги давр талаблари асосида шаклланаётган экан, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни шакллантириш ва уни амалга ошириш зарурати юзага келади. Халқаро майдонда изчил, очиқ ва прагматик ташқи сиёсий фаолият олиб бориш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқаларини жадал ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларидан саналади. “Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг кўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттираемиз”¹. Ўзбекистон ташқи сиёсатида Япония давлати

билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. “Япония билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва янада кенгайтириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир”². Шу боис, Халқаро муносабатларнинг бугунги ҳолатида Япония ташқи сиёсий стратегиясининг асосий тамойилларини тадқиқ этиш ва бунда Япония ҳамда Марказий Осиё давлатлари муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мажмуини ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони³, 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони⁴, “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳақида қўшма баёнот”, “Марказий Осиё + Япония” мулоқот гуруҳи, “Япония-Ўзбекистон дўстлиги парламент лигаси” ва “Олий Мажлис – Япония Парламенти” парламентлараро гуруҳида билдирилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл хариталари” ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастури доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Япония ташқи сиёсати ҳамда унинг халқаро муносабатлар тизимида тутган ўрнини ўрганиш долзарб масалалар сирасига киради. Бу борада Ўзбекистонлик ҳамда хорижий тадқиқотчилар томонидан қатор илмий изланишлар амалга оширган бўлсада, мамлакатимизда ушбу мавзу монографик жиҳатдан комплекс таҳлил қилинмаган.

Бу борада Ўзбекистонлик олимлардан Р.М.Алимов, Ш.Р.Арифханов, И.И.Бобоқулов Марказий Осиё минтақасининг геосиёсий ва геоиқтисодий

Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2019, - Б.272.

² Ўзбекистон ва Япония стратегик шериклигида янги давр // Халқ сўзи, №263 (7493), 2019 йил 20 декабрь

³ 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида URL: lex.uz/pdfs/5841063

⁴ Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида URL: mfa.uz/uz/pages/legalacts

хусусиятлари, минтақада жаҳоннинг етакчи давлатлари манфаатларининг тўқнашуви масалалари борасида илмий рисолалар чоп эттиришган⁵.

Шунингдек, Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Япония сиёсати билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Улар сирасига С.Ш.Азизов, А.К.Қирғизбоев, В.В.Киндалов, А.Шарапов, З.А.Зарипова, О.И.Алимов ва З.Ғ.Касимованинг диссертация ишларини киритиш ўринли⁶.

Шунингдек, Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини тадқиқ этган М.Раҳимов ва В.Ҳошимов мақолалари ҳам диққатга сазовор⁷.

Япониянинг Марказий Осиёга нисбатан муносабатлари қатор япониялик эксперт ва олимлар томонидан, жумладан, Халқаро стратегик тадқиқотлар институти президенти Хитоши Танака⁸, олимлар Ёсикацу. Сузуки⁹, Рейджи

⁵ Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Ташкент: «Шарк», 2005. – 464 с.; Арифханов Ш.Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Ташкент: 2007. –186 с.; Бобокулов И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Ташкент: УМЭД, 2010. – 231с.

⁶ Азизов С.Ш. Ўзбекистон-Япония муносабатларининг шаклланиш тарихи: Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТошДУ, 1995; Қирғизбоев А.К. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги: Тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА Тарих институти, 2004; Киндалов В.В. Государственное регулирование внешнеэкономической деятельности Японии (возможность применения опыта для Республики Узбекистан): Дисс. ... канд. эконом. наук. – ТГИВ, 2005; Шарапов А. Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатлари тизимида (ХХР, Япония, Жанубий Корея мисолида): Сиёс. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТошДШИ, 2006; Зарипова З.А. Международные и национальные аспекты политической модернизации (на примере Японии): Дисс. ... канд. полит. наук. – Ташкент: УМЭД, 2006; Алимов О.И. Шарқий Осиё минтақаси энергетика хавфсизлигини таъминлашда Япониянинг ташки сиёсий роли: Сиёс. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент: ТДШУ, 2021; Касимова З.Ғ. Маданий дипломатия асосида давлат ижобий имижини шакллантириш жараёнлари (Япония ва Хитой Халқ Республикаси тажрибаси мисолида): Сиёс. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD) ... дисс. – Тошкент: ТДШУ, 2021.

⁷ Rakhimov M. Central Asia and Japan: Bilateral and multilateral relations // Journal of Eurasian Studies. 2014. – №5. – P. 77-87; Khoshimov V. Foreign Policy of Japan and Central Asia // http://www2.jiia.or.jp/pdf/fellow_report/081218-valijion_v_khoshimov.pdf

⁸ 田中均。日本のアフガン支援は 何を意味しているのか // 国際開発ジャーナル, February 2011/<https://www.jri.co.jp/MediaLibrary/file/report/tanaka/pdf/5407.pdf>

⁹ 鈴木美勝。日本「ユーラシア外交」の変遷史と構造分析 // <https://www.jfir.or.jp/cgi/m-bbs/index.php?no=4243>

Такейши¹⁰, Юаса Такэши¹¹, Уяма Томохико¹², Хиросе Тетсуя¹³, Акио Кавато¹⁴, Шин’ичи Китаока¹⁵ томонидан ҳам атрофлича ёритилиб берилган.

Тадқиқот мавзуси юзасидан Я.Захарьев, И.Барабанов, А.Диссюков, Дж.Фергусон, Т.Дадабаев каби мутахассислар ҳам ўз илмий қарашларини илгари сурганлар¹⁶.

Манбаалар таҳлилидан юртимизда мавзуга оид ишлар нисбатан озлиги, амалга оширилган тадқиқотларнинг эса аввалги хронологик доира билан чекланганлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга, хорижий тадқиқотчилар илмий ишларини ўз мамлакатлари манфаатлари нуқтаи назаридан ёндошганликлари ва айрим ҳолларда уларнинг қарашлари ва хулосалари Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб бермаслигини инобатга олиш лозим бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №№ “Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири” мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий муносабатлари динамикасини очиб бериш ва Япония-Ўзбекистон ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹⁰ 武石 礼司。アジアにおけるエネルギー協力の可能性と展望 // http://www2.jiia.or.jp/pdf/research/H27_Energy/05-takeishi.pdf

¹¹ Yuasa T. Japan’s Multilateral Approach Toward Central Asia // http://src-h.slav.hokudai.ac.jp/coe21/publish/no16_1_ses/04_yuasa.pdf; Yuasa T. Central Asia in the context of Japanese–Russian relations // *China & Eurasia Forum Quarterly*. 2010. – №. 8. – P.119-135.

¹² 宇山 智彦。『中央アジアの歴史と現在 (ユーラシア・ブックレット No.7)』東洋書店、2000年11月、全63頁; Uyama T. Japan’s diplomacy towards Central Asia in the Context of Japan’s Asian diplomacy and Japan-U.S relations // *Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program – A Joint Transatlantic Research and Policy Center*, 2008, Washington, D.C.: Brookings Institution Press; Uyama T. Japanese Policies in Relation to Kazakhstan: Is There a ‘Strategy’? // *Thinking Strategically: The Major Powers, Kazakhstan, and the Central Asian Nexus*, ed. Robert Legvold (Cambridge, Mass.: MIT [Massachusetts Institute of Technology] Press, 2003). – P. 165-86.

¹³ Christopher L., Uyama T., Hirose T. Japan’s Silk Road Diplomacy. Paving the Road Ahead // *Central Asia-Caucasus Institute & Silk Road Studies Program – A Joint Transatlantic Research and Policy Center*, 2008.

¹⁴ Akio Kawato. What Is Japan Up to in Central Asia? // *Japan’s Silk Road Diplomacy: Paving a Road Ahead*, eds. Christopher Len, Tomohiko Uyama, and Tetsuya Hirose (Washington, D.C.: Johns Hopkins University, 2008).

¹⁵ Shin’ichi Kitaoka. Reform in Japanese Foreign Affairs: Policy Review Long Overdue // *Gaiko Forum* 3, 2002. – P. 3-12.

¹⁶ Захарьев Я.О. Япония в Центральной Азии в начале XXI века: изучение проблемы экономического влияния китайскими специалистами // *Экономика Центральной Азии*. 2017. Т.1. –№ 1. –С.9-16; Барабанов И. Япония и Центральная Азия: глобализация экономики, политика и интересы безопасности // *Мировая экономика и международная отношения*. –М., 2007. –С.83-93; Dissyukov A. Central Asia and Japan: 15 Years of Multilateral Cooperation // <https://thediplomat.com/2019/05/central-asia-and-japan-15-years-of-multilateral-cooperation>; Joseph F. Ferguson. Japanese Strategic Thought toward Russia // *Rozman, Togo and Ferguson, eds., Japanese Strategic Thought toward Asia*. – P.201-204; Dada-baev T. Japan’s Search for Its Central Asian Policy // *Asian Survey*, 2013. –№3. – P. 506-532.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Япония ташқи сиёсатининг шаклланиш эволюциясини тадқиқ этиш;

Япония ташқи сиёсатини ифода этувчи меъёрий хужжатларни таҳлил қилиш;

Япониянинг “Буюк ипак йўли давлатлари” доирасидаги геосиёсий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

Япониянинг “Марказий Осиё + Япония” формати доирасидаги геосиёсий интилишларини ўрганиш;

Япониянинг Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги ва Афғон муаммосини ҳал этиш борасидаги қарашларини илмий жиҳатдан таҳлил этиш;

Япониянинг Марказий Осиё минтақасидаги геоиқтисодий ва ёқилғи-энергетик манфаатларини тадқиқ қилиш;

Маданий-гуманитар соҳада Япониянинг Марказий Осиё минтақасидаги “soft power” сиёсатини таҳлил қилиш;

Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий жараёнларида Ўзбекистон-Япония муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий муносабатлари динамикасини очиб бериш ва Япония-Ўзбекистон ўзаро муносабатларини янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари ва минтақадаги ташқи сиёсати йўналишлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Япониянинг Марказий Осиё минтақасига нисбатан сиёсатининг шаклланишига таъсир этувчи омиллардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тарихий-илмийлик, қиёсий таҳлил, тизимли таҳлил, ретроспектив таҳлил, объективлик, мантикийлик, функционал-тизимлилик, контент ва ивент таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари минтақада тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик, минтақалараро интеграция жараёнларини фаоллаштириш борасидаги ташқи сиёсий стратегиялари билан уйғун эканлиги очиб берилган;

Марказий Осиёда геосиёсий жараёнларнинг фаоллашуви шароитида Япония ва минтақа мамлакатлари ўзаро муносабатларида “СА+J” мулоқот форматини минтақада геосиёсий манфаатлар мувозанатини таъминловчи кўп томонлама ҳамкорликнинг марказий платформаси сифатидаги ролини фаоллаштириш ҳамда геостратегик имкониятларни амалга ошириш зарурати асосланган;

Япониянинг Марказий Осиёдаги иқтисодий иштирокини таъминловчи “Тараққиётга расмий кўмак” дастурини “ODA+” форматида қайта шакллантириш орқали маданий-гуманитар дипломатия билан мувофиқлаштириш зарурати асосланган;

Япониянинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш минтақа мамлакатларига кредитлар, грантлар, иқтисодий ва технологик ёрдам кўрсатиш, инфратузилма лойиҳаларини рағбатлантириш, интеллектуал мулоқот, инсон ресурсини ривожлантириш, маданий алоқалар каби кўпвекторли “юмшоқ куч” механизмларини қўллашга қаратилгани исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Япония билан икки томонлама ҳамда кўп томонлама форматда ҳамкорлик олиб бориш жараёнида ўзаро манфаатларни белгилаб бориш ҳамда уларни самарали амалга ошириш борасида тавсия ва таклифлар берилган;

тадқиқот натижасида шакллантирилган амалий таклиф ва хулосалардан бошқарув органлари, халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсат билан боғлиқ муассасалар фаолиятида ҳамда таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган манбалар, уларни илмий муомалага олиб кириш, бу жараёнларда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар расмий ҳужжатлардан, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, шунингдек, улар ҳақидаги тақризлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг назарий аҳамияти шундаки, таклиф этилган илмий-назарий хулосалардан илмий тадқиқотларнинг методологияси ва усулларини такомиллаштиришда, халқаро муносабатлар, геосиёсат, жаҳон сиёсати каби фанларнинг умумназарий жиҳатларини кенгайтиришда ҳамда ушбу мавзу юзасидан янги илмий тадқиқотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин. Натижаларнинг амалий аҳамияти эса тадқиқот материаллари ва хулосаларидан ихтисослашган таълим муассасаларининг ўқув курслари ва дастурларида, “Жаҳон сиёсати”, “Халқаро муносабатлар”, “Шарқ мамлакатлари халқаро муносабатлари”, “Минтақашунослик”, “Ўрганилаётган минтақа мамлакатлари ички ва ташқи сиёсати” каби фанларни ўқитишда ҳамда тегишли йўналишлардаги тадқиқот ишларини бажаришда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатларини ўрганиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсий манфаатлари минтақада тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик, минтақалараро интеграция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган ташқи сиёсий стратегиялари билан уйғунлиги борасидаги илмий натижалардан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг соҳага оид меъёрий, ахборот-таҳлилий ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 26 апрель 2022 йил 08/14110-сонли маълумотномаси). Таклифларн Япониянинг Марказий Осиёдаги геосиёсати билан боғлиқ илмий-таҳлилий материалларнинг

салмоғи ортишига, ўзаро манфаатли ҳамкорликка оид норматив-ҳуқуқий, шартномавий базасининг бойитилишига хизмат қилган;

Марказий Осиёда геосиёсий жараёнларнинг фаоллашуви шароитида Япония ва минтақа мамлакатлари ўзаро муносабатларида “СА+J” мулоқот форматини минтақада геосиёсий манфаатлар мувозанатини таъминловчи кўп томонлама ҳамкорликнинг марказий платформаси сифатидаги ролини фаоллаштириш ҳамда геостратегик имкониятларни амалга ошириш борасидаги тадқиқот натижалари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида соҳага оид илмий-амалий материаллар, ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2021 йил 29 мартдаги 01/298-сонли далолатномаси). Мазкур тадқиқот натижалари ва хулосалар Марказий Осиёда хавфсизлик масалалари, “Марказий Осиё + Япония” мулоқот форматини фаоллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари бўйича фаолиятини ташкил этиш бўйича соҳага оид илмий-таҳлилий материаллар салмоғининг ортишига, амалий таклифлар ишлаб чиқилишига хизмат қилган;

Япониянинг Марказий Осиёдаги иқтисодий иштирокини таъминловчи “Тараққиётга расмий кўмак” дастурини “ODA+” форматида қайта шакллантириш орқали маданий-гуманитар дипломатия билан мувофиқлаштириш зарурати борасидаги хулосалардан Марказий Осиё халқаро институтида мавзуга оид таҳлилий ҳужжатлар, илмий-амалий материалларни тайёрлашда фойдаланилган (Марказий Осиё халқаро институтининг 2022 йил 4 февралдаги 01/02-72-сонли маълумотномаси). Натижада, Марказий Осиё халқаро институтида Япониянинг минтақа мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлигининг янги вектори шаклланишига йўналтирилган илмий-таҳлилий, амалий ҳамда ахборот маълумотлари базасининг кенгайишига, истиқболдаги ҳамкорлик йўналишларининг белгиланишига асос бўлиб хизмат қилган;

Япониянинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш минтақа мамлакатларига кредитлар, грантлар, иқтисодий ва технологик ёрдам кўрсатиш, инфратузилма лойиҳаларини рағбатлантириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, интеллектуал мулоқот, маданий алоқалар каби кўпвекторли “юмшоқ куч” механизмларини қўллаши борасидаги тадқиқот натижалари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида соҳага оид илмий-амалий материаллар, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар ҳамда мавзуга оид ҳисоботлар тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2021 йил 29 мартдаги 01/298-сонли маълумотномаси). Таклифлар Марказий Осиё ва Япония муносабатлари ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқлилиқ асосида қатор соҳаларда – сиёсат, иқтисодиёт, фан-техника, ижтимоий ҳамкорлигига тааллуқли илмий-

ахборот материаллари салмоғининг ортишига, таҳлилий материалларни ишлаб чиқилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 2 республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 саҳифни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Япония ташқи сиёсатини тадқиқ этишнинг назарий масалалари» деб номланган **биринчи бобида** Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Япония ташқи сиёсатининг шаклланиш масалалари ҳамда сиёсий-ҳуқуқий асослари назарий тарафдан тадқиқ этилган.

Бу борада дастлабки қадамни 1948-1954 йилларда Япония Бош вазири бўлган Сигэру Ёшида (吉田 茂) ташлаган. У тўрт банддан иборат «Ёшида Доктрина»си деб ном олган Япониянинг урушдан кейинги ташқи сиёсий стратегиясини илгари суради: 1) иқтисодий ривожланиш Япониянинг асосий мақсади бўлиши; 2) Япониянинг қуролли кучлари чекланган бўлиши ҳамда халқаро низоларга аралашмаслиги зарур; 3) Япония АҚШ расмий ҳукуматига эргашиши ҳамда АҚШнинг ҳарбий ҳимояси остида бўлиши; 4) Япония дипломатияси мафкуралардан ҳоли бўлиши ва асосий эътибор халқаро ҳамкорликка қаратилиши лозим¹⁷.

XX асрнинг 50-йилларида Сигэру Ёшида Япониянинг истиқболи борасида ўз стратегиясини ифода этар экан, ҳарбий бюджетни қисқартириш ҳисобига

¹⁷ Pyle K.B. Japan Rising: The Resurgence of Japan Power and Purpose. – New York: Public Affairs, 2007. - P. 234; Ашинова Ж.Е. Некоторые аспекты японо-китайских взаимоотношений после распада биполярной системы международных отношений // Алматы: Сборник материалов с конференции "Фундаментальные и инновационные проблемы востоковедного образования и науки", 2011. - URL манзили: <https://articlekz.com/article/4966>

иктисодиётни ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратди¹⁸ ва урушдан аввалги «Кучли армия мамлакат равнақини таъминлайди» (富国強兵 фукоку кёхэй) шиори «Қуролли кучларни қисқартириш орқали мамлакат равнақини таъминлаш» (尊皇攘夷 фукоку дзякухэй) шиорига алмаштирилади.

Япония 1952 йилга қадар АҚШ оккупацияси остида қолди ва бу даврда Япония Конституцияси (1947 йил)¹⁹, Сан-Франциско тинчлик шартномаси (1951 йил), Хавфсизлик кафолатлари тўғрисида шартнома (1951 йил ва 1960 йил), Маъмурий шартнома (1952 йил) каби ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар Япониянинг урушдан кейинги сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий ривожланишини белгилаб берди²⁰.

Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида коммунистик давлатларнинг юзага келиши натижасида АҚШ кучли ва ривожланган иттифоқчига зарурат сезди ва 1952 йилда Японияга Ўзини мудофаа қилиш миллий кучларини жорий этиш таклифи билан чиқди²¹. Шу боис бу даврда «Ёшида Доктринаси» ва Горо Такэданинг «Соф мудофаа Доктринаси» каби Япония ташқи сиёсий концепцияларининг ишлаб чиқилишида АҚШнинг таъсири катта бўлди. Ушбу ҳужжатлар Япония иқтисодий қудрати ва салоҳиятининг ўсиши ҳамда АҚШ назорати остида мамлакат мудофаа қобилиятини оширишга қаратилган эди.

1972 йилда Япония Бош вазири Эйсаку Сато (佐藤 榮作) «кўп томонлама дипломатия» концепциясини илгари сурди²². Ушбу концепциянинг моҳияти шундан иборат эдики, келгусида Япония фақатгина АҚШ билан эмас, балки бошқа давлатлар билан ҳам шериклик алоқаларини ўрнатишни назарда тутди. Ушбу концепциянинг натижаси ўлароқ, 1972-1973 йилларда Япония Бош вазири Какуэй Танака (田中 角榮) расмий Вашингтон билан маслаҳатлашмасдан туриб ХХР, Вьетнам, Мўғулистон ҳамда собиқ ГДР каби социалистик блокдаги давлатлар билан дипломатик алоқаларни ўрнатди.

1990 йилда Япония ҳукумати «Кай-фу Доктринаси»ни²³ ишлаб чиқади²⁴. Мазкур Доктринада асосий урғу Осиё-Тинч океани минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, мулоқот ва ҳамкорлик асосида барқарор халқаро муносабатларни таъминлаш, озодлик ва демократияни ҳурмат қилиш, демократик кадриятларни тарғиб этиш, жаҳонда очиқ бозор иқтисодиёти шароитида

¹⁸ Pyle K.B. Japan Rising: The Resurgence of Japan Power and Purpose. – New York: Public Affairs, 2007. - P. 234

¹⁹ Конституция Японии 1947 г. - URL манзили: http://royallib.ru/book/neizvesten_avtor/konstitutsiya_yaponii_ot_3_maya_1947_goda.html

²⁰ Евдокимов А.Д. Роль США в формировании военной доктрины Японии в 1945-2010 гг. // Вестник РУДН, серия Международные отношения, 2013, № 1. С. – 25

²¹ Пинаев Л.П. Эволюция военной политики Японии 1951-1980 г. – М.: 1982. – С. 11

²² Yoshinori Kaseda. Japan in a Dynamic Asia: coping with the new security challenges. Yoichiro Sato and Satu Limaye (eds). Lanham, Boulder, New York, Toronto, and Oxford: Lexington Books, 2006 // International Relations of the Asia-Pacific, Volume 7, Issue 1, January 2007, Pages 121–123. - URL манзили: <https://doi.org/10.1093/irap/lcl005>

²³ 海部俊樹総裁時代。平成元年 8 月 8 日 ~ 平成 3 年 10 月 30 日 // - URL манзили: <https://www.jimin.jp/aboutus/history/14.html>

²⁴ Тосики Кайфу (海部 俊樹) 1989-1991 йилларда Япония Бош вазири

хавфсизлик ва фаровонликни таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган²⁵.

Ўтган асрнинг 90-йилларида АҚШ ва собиқ СССР ўртасидаги ҳарбий қарама-қаршилик ва либерализм ҳамда коммунизм ўртасида вужудга келган мафкуравий зиддиятнинг емирилиши оқибатида, Япония ҳукумати «Евроосиё дипломатияси» (ユーラシア外交) дастурини эълон қилди. Ушбу дастур Япония Бош вазири Рютаро Ҳашимотонинг (橋本 龍太郎) 1996 йил БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида сўзган нутқида асосланади²⁶.

Япониялик тадқиқотчи Ёичиро Сатонинг фикрига кўра, «Япониянинг Осиё давлатлари билан тарихий муносабатлари Япония билан АҚШ муносабатларига қараганда анча қадимий ва улар билан алоқаларидаги манфаатлар АҚШ билан муносабатлардаги манфаатлардан тубдан фарқланади. Бугунги кунда Япониянинг Осиё-Тинч океани минтақасида АҚШдан мустақил равишда фаолият олиб боришга интилиши жараёни кузатилмоқда»²⁷.

2013 йилга қадар Японияда миллий хавфсизликни таъминлаш борасида давлат сиёсатининг ягона концептуал асоси мавжуд эмас эди. 1957 йилда Япония Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Миллий муҳофаа соҳасида асосий сиёсат»да²⁸ «БМТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш», халқаро ҳамкорликни ривожлантириб бориш», «мамлакатни хавфсизлик соҳасида Япония-АҚШ ҳамкорлиги асосида ҳимоя қилиш» каби умумий шиорлар ифода этилган.

2013 йилда Бош вазир Синдзо Абэ ҳукумати «Миллий муҳофаа соҳасида асосий сиёсат»ни қайта кўриб чиқди ва янги «Миллий хавфсизлик стратегияси» ҳақида ҳужжатни қабул қилди²⁹. Шу билан бирга, «Миллий муҳофаа дастурининг асосий йўналишлари» (防衛計画の大綱) ва «Муҳофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ўрта муддатга мўлжалланган дастури» (中期防衛力整備計画) каби ҳужжатлар ҳам ишлаб чиқилди.

«Миллий муҳофаа дастурининг асосий йўналишлари» (防衛計画の大綱) номли ҳужжатда «динамик муҳофаа» салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб барилган. «Динамик муҳофаа» деганда «муҳофаа кучлари»нинг ҳарбий имкониятлари максимал даражада тезкор ва самарали қўлланила олиши назарда тутилади³⁰.

²⁵ 海部俊樹総裁時代。平成元年 8 月 8 日 ~ 平成 3 年 10 月 30 日 // - URL манзили: <https://www.jimin.jp/aboutus/history/14.html>

²⁶ 東郷 和彦。日本の「ユーラシア外交」(1997 ~ 2001) // 2014.03.13. - URL манзили: <https://www.nippon.com/ja/features/c00205/>

²⁷ Japan in a Dynamic Asia: coping with the new security challenges. - Yoichiro Sato and Satu Limaye (eds). Lanham, Boulder, New York, Toronto, and Oxford: Lexington Books, 2006. – 31 p.

²⁸ 国防の基本方針 // 18 年 9 月 3 日 . - URL манзили: <http://dictionary.channelj.co.jp/2018/18062113/>

²⁹ 国家安全保障戦略 // 18 年 9 月 3 日 . - URL манзили: <http://dictionary.channelj.co.jp/2018/18062112/>

³⁰ 国家安全保障政策の方向性。内閣官房 // - URL манзили: https://www.kantei.go.jp/jp/singi/anzen_bouei2/dai3/siryoul.pdf

«Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлаш борасида Япониянинг геостратегик қарашлари» деб номланган иккинчи бобида Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги масалалари ҳамда Япониянинг мазкур минтақада олиб бораётган геостратегик қарашлари таҳлил этилган.

1997 йил июль ойида Япония Бош вазири Рютаро Хашимото собиқ Совет Иттифоқи давлатлари билан муносабатлар тизимини ўз ичига олган «Евроосиё дипломатияси» концепциясини илгари сурди³¹. Мазкур концепцияда, биринчидан, Марказий Осиё ва Кавказ минтақасининг Россия ва ХХР ўртасида жойлашганлиги, иккинчидан, минтақанинг ёқилғи-энергетик захираларга бойлиги, учинчидан, Афғонистон ва Тожикистондаги фуқаролар уруши, Марказий Осиёдаги террористик хуружлар, хусусан, 1998 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тожикистондаги фуқаролик ишлари бўйича кузатувчилар миссияси ходими Ютака Акинонинг ўлдирилиши³² каби сиёсий масалалар ўз ифодасини топган. Бу борада Япония Хитой Халқ Республикаси ва Корея Республикасидан эътиборни узмаган ҳолда Россия, Европа давлатлари, Ҳиндистон ва Яқин Шарқ давлатлари билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилади³³.

«Евроосиё дипломатияси» ўз ичига 4 муҳим жиҳатни камраб олади: 1. НАТО Мадрид саммитидан сўнг «Тинч океани нуқтаи назаридан Евроосиё дипломатияси» концепцияси. 2. «Ўзаро ишонч», «ўзаро манфаатдорлик», «узок муддатлик истиқбол» омиллари ва уларни Россия ва Япония муносабатларида «худудий масала»лар борасида мунозараларда қўлланилиши. 3. Россия ва Хитойга нисбатан бўлган муносабатларда ҳам «Ипак йўли» дипломатиясини илгари суриш. 4. Япония, АҚШ, Хитой ва Россия доирасида фаол, мақсадли ишларни олиб бориш³⁴.

Бу даврда Япония «Евроосиё дипломатияси» (1997 й.), «Ипак йўли фаолияти режаси» (1998 й.), «Марказий Осиё + Япония» (2004 й.), «Эркинлик ва фаровонлик ёйи» (2006 й.) каби қатор ташаббусларни илгари сурди³⁵.

Таро Асо³⁶ Япония ўз эътиборини Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларига «эркинлик ва фаровонлик ёйи» ташаббуси доирасида қаратиши ҳамда

³¹ Қаранг: 下斗米伸夫。ユーラシア外交 // - URL манзили: <https://kotobank.jp/word/ユーラシア外交-182232>

³² Akino Memorial Research // - URL манзили: https://en.wikipedia.org/wiki/Akino_Memorial_Research

³³ 東郷 和彦。日本の「ユーラシア外交」(1997～2001) // 2014.03.13. - URL манзили: <https://www.nippon.com/ja/features/c00205/>

³⁴ 東郷 和彦。日本の「ユーラシア外交」(1997～2001) // 2014.03.13. - URL манзили: <https://www.nippon.com/ja/features/c00205/>

³⁵ 麻生太郎。中央アジアを「平和と安定の回廊」に // 平成 18 年 6 月 1 日. - URL манзили: https://www.mofa.go.jp/mofaj/press/enzetsu/18/easo_0601.html

³⁶ Таро Асо (麻生太郎) - 2005-2007 йилларда Япония Ташқи ишлари вазири бўлган, 2008 йилда Япония Либерал-демократик партия раиси этиб сайланган, 2008-2009 йилларда Япония Бош вазири лавозимини эгаллаган. 2012 йилдан Бош Вазир ўринбосари ва Молия вазири лавозимларини эгаллаб келади. Таро Асо Япония Бош вазири бўлган Сигэру Ёсиданинг невараси, Япония Бош вазири бўлган Дзэнко Судзукининг куёви. Унинг синглиси Япония Император оиласи шахзодаси Микаса-но-мия Томохитога (三笠宮崇仁) турмушга чиққан.

Афғонистондан Араб денгизигача бўлган «Жануб ва Шимол ўртасида товарлар ҳаракатланишини назарда тутувчи коридор» ва Марказий Осиё-Кавказ-Европа, яъни «Осиё ва Европа чорраҳаси» бўлган «Шарқ-Ғарб коридори»ни жорий этиш лозимлигини айтади. Осиё ва Европа қитъаларини бирлаштирувчи «бугунги кун Буюк ипак йўли» орқали кишилар, товарлар ва молияларнинг ҳаракатланишига имкониятлар яратиб беради.

Япония Марказий Осиё минтақасига нисбатан сиёсат олиб борар экан, куйидаги ташаббусларни илгари суради: 1) «Марказий Осиё минтақасини тинчлик ва барқарорлик йўлагига айлантириш», 2) кенг қўламли бўлган ва ўз ичига Шимолий-Шарқий Осиё, Марказий Осиё, Кавказ, Туркия, Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Болтиқбўйи давлатларини қамраб олувчи «Озодлик ва фаровонлик камарини яратиш»ни илгари сурди.

Япония ташқи ишлар вазири Кавагути Ёрико (川口 順子) 2004 йил 28 август куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари Ташқи ишлар вазирлари билан бўлиб ўтган йиғилишда «Япония ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида терроризмга қарши курашиш, иқтисодий ўсиш ва инсон ҳавфсизлиги масалалари борасида кенг қамровли ҳамкорлик ҳақида келишуви»га эришилди³⁷. Мазкур саммитда Япония ва Марказий Осиёдаги тўрт давлат (Туркменистон бу саммитда иштирок этмаган) янги «Марказий Осиё + Япония» лойиҳасини жорий этиш ҳақида келишиб олдилар. 2006 йил август ойида Япония Бош вазири Коидзуми Дзюнъитиро мамлакат ташқи сиёсати учун Марказий Осиё минтақасида стратегик аҳамиятга эга деб қаралган Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатларига ташриф буюрди³⁸.

«Марказий Осиё + Япония» мулоқотида «хилма-хилликни ҳурмат қилиш», «рақобат ва мувофиқлаштириш» ҳамда «очиқ ҳамкорлик» каби тамойилларга асосий урғу қаратилди. Марказий Осиё минтақасида мавжуд амалиётлар ичида Япония билан «5+1» мулоқоти анча самарали ва тизимли асосда фаолият юритади. Мулоқот доирасида ҳамкорликнинг бир қатор шакллари: «Ташқи ишлар вазирлари кенгаши», «Юқори мансабдор шахслар мулоқоти», «Интеллектуал мулоқот» («Токио мулоқоти»), «Экспертлар учрашувлари» ва «Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида алмашинув» амалга оширилади.

Япониянинг Марказий Осиё минтақаси борасидаги ёндашувларидан яна бири бу - Марказий Осиё минтақаси энергетика захираларидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш ҳисобига ўз давлати энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва келгусида бошқа давлатларга энергетика захиралари борасида қарамлигини олдини олиш саналади.

Маълумки, Япония нефтни асосан Яқин Шарқ минтақасидан экспорт қилади. Бироқ, Яқин Шарқ минтақасидаги беқарор вазият (Фаластин муаммоси,

